

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ТАБИЙ ОФАТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ПЛАТФОРМА: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАСИ



Жорий йилнинг 23 май куни Индонезиянинг Бали шаҳрида табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича глобал платформанинг (GP-2022) 7-сессияси ўз ишини бошлади.

Беш кун давом этадиган мазкур форум доирасида қатор тадбирлар, жумладан, давра суҳбатлари, ўқув семинарлари, ялпи мажлислар, халқаро экспертларнинг маърузалар тақдими бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикасидан Фавқулодда вазиятлар вазири Абдулла Қўлдошев бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этмоқда. Сессиянинг биринчи кунинда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбари БМТ Бош котибининг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Махсус вакили Мами Мизутори хоним билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида тузилмалар уртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазири суҳбат давомида Мизутори хонимга мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аҳолини ва ҳудудларни табиий офатлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган жиддий ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Форум ўз ишини давом эттирмоқда.



ФВВ Матбуот хизмати.



ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Жиззах ҳарбий прокуратураси томонидан Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда Жиззах гарнизонида жойлашган Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатлари ҳимоясига бағишланган «Ҳуқуқий ёрдам» учрашуви ташкил этилди.



Учрашувда ҳарбий хизматчилар ўзларини қийнаётган муаммо ва масалаларда мурожаатлар қилиб, мутахассислар томо-

нидан берилган юридик маслаҳатлар ва амалдаги қонунчилик талабларига асосан ўз ҳуқуқий билимларини янада бойитдилар.

Тадбир давомида туман ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси раиси ва бошқа масъул шахсларга самарали фаолияти учун қисм қўмондонлиги томонидан ташаккурномалар топширилди.

Отабек ҲАЙДАРОВ,
Жиззах ҳарбий прокурори.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизмат қилаётган прокурор-тергов ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ҳамда спортнинг устувор турлари оммавийлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва «WORKOUT» турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 ноябрдаги қарори асосида ҳарбий прокуратура ходимлари ўртасида спортнинг бадминтон тури бўйича «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори кубоги» учун мусобақа ўтказилди.

Мудофаа вазирлиги марказий спорт комплексида мurosасиз ва қизиқарли тарзда ўтказилган спорт мусобақасида ғолибликни қўлга киритган ходимлар Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари Сарвар Муҳитдинов томонидан кубок ва медаллар билан тақдирландилар.

Шерзод ҲАЙИТОВ,
Республика Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идораларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан мунтазам равишда профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Миллий гвардия Тошкент шаҳар бошқармасида Тошкент ҳарбий прокуратураси катта терговчиси Бобиржон Ражабов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокидаги йиғилиш ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Унда Миллий гвардия Тошкент шаҳар бошқармаси ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда ходимларда ватанпарварлик ва адолат туйғусини янада мустаҳкамлаш, турли шаклдаги жиноятларнинг олдини олиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва яна қатор масалаларига эътибор қаратилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.

Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчилар билан бевосита оммавий ва сайёр шахсий қабул ўтказиш жадвалига асосан Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси, Қўриқлаш бошқармаси ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мавжуд муаммоларини ижобий ҳал этиш, ижтимоий ҳимоясини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судяси А.Саттаров, Нукус ҳарбий суди раиси С.Қушатов ҳамда Нукус ҳарбий прокурори

ўринбосари Д.Турумбаевлар томонидан коррупцияга қарши кураш юзасидан фикр юритилди.

200 нафар ҳарбий хизматчи иштирокида ўтган мазкур тадбирда 4 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқларини ишга жойлаштириш, 5 нафари фарзандларини мактабгача таълим ташкилотига жойлаш, 9 нафар ҳарбий хизматчининг турли хил ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан мурожаатларини ҳал қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Дилшод АБДУЛЛАЕВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 51-моддасида ариза берган прокурор даъвогарнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиши ва барча процессуал мажбуриятларини ўз зиммасига олиши белгиланган.

ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА

Жорий йилнинг март ойида ўз фарзандига оталик меҳрини бермай, уни моддий томондан таъминлашдан бош тортиб келаятган Ш.З.ни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан судга даъво ариза киритишни сўраб мурожаат йўллаган фуқаро З.Ж.нинг мурожаати туман прокуратураси томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилди.

Фуқаро мурожаатини ўрганиш давомида, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманларaro судининг 08.05.2015 йилдаги ижро ҳужжатига асосан Ш.З. томонидан вояга етмаган фарзанди Б.З.нинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган бўлсада, амалда Ш.З. фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келганлиги натижасида бир неча маро-

таба МИБ Навбаҳор туман бўлими томонидан маъмурий жавобгарлик иши, 12.01.2022 йилда жиноят иши кўзга тутилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 79-моддасига мувофиқ, ота-оналар ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган. Баён этилганларга кўра, туман прокуратураси томонидан Ш.З.ни вояга етмаган фарзанди Б.З. га нисбатан «оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан» фуқаролик судига даъво ариза киритилиши таъминланди.

Юлдуз АБДУЛЛАЕВА,
Навобий вилояти Навбаҳор тумани прокуратураси ходими.



УРГАНЧДА САЙЁР ҚАБУЛ

Урганч ҳарбий прокуратураси томонидан ИИВ халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кўшинларига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчилари иштирокида сайёр қабул ташкил этилди.

Унда Хоразм вилояти Бандлик, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Марказий банк, Давлат хизмати агентлиги, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

Қабул давомида 37 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 4 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандлари имтиёзли равишда мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди. 10 та мурожаатга тушунтириш берилиб, 23 та мурожаат қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилиш учун назоратга олинди ва тегишли давлат идораларига йўналтирилди.

Файрам АТАЖАНОВ,
Урганч ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.

ҚИЗГИН УЧРАШУВ

Наманган вилояти ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов, бошқарма бошлиғи ўринбосарлари ҳамда Наманган ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси адлия капитани Жўрабек Ҳакимовлар иштирокида Наманган шаҳар ва Чуст тумани ФВ бўлимларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.



Унда ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти, яратилган шарт-шароитлар, уларнинг хизмат вақтидаги мажбуриятлари, тартиб-интизоми, одоб-ахлоқи, юриш-туриши ва хизмат олиб бориш қоидаларига риоя этиши ҳақида фикр юритилиб, Фавкулдда вазиятлар вазирлигининг шартнома бўйича ҳарбий хизматчилари ҳуқуқи, ҳарбий хизматчилар томонидан интизом бузилиш ҳолатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига бугунги кунда ҳуқуқат томонидан

берилаётган кенг имкониятлар ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Учрашув давомида генерал-майор Қосимали Аҳмедов ҳарбий хизматчилар уртасида жиноят билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида гапирар экан, бу борада оила ва жамиятда ҳарбий хизматчи шаънига доғ туширмаслик, хизмат вазифаларига сидқидилдан ва фидойилик билан ёндашиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Хизмат вазифа-

сига сидқидилдан ёндашаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Тадбир якунида ўз хизмат фаолияти билан намуна бўлиб келаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига бошқарма раҳбарияти томонидан ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Улуғбек БОБОЖОНОВ,
Наманган вилояти ФВБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.

ФВВ Ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бошқармаси “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази ҳарбий хизматчи ва хизматчилари билан “Коррупция-жамият кушандаси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ



Унда вилоят ИИБ иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш бўлими ходими лейтенант Ф.Сафаров, шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи майор Ш.Турсунов ҳамда Навоий шаҳар бош имом хатиби Д.Эргашевлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида коррупция – сиёсат ва давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса бўлиб, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёزلарни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёزلарни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши таъкидланиб, коррупция

ва порахўрлик давлатни ич-ичидан емириши жаҳондаги баъзи давлатлар тажрибасидан яхши маълум эканлиги қайд этиб ўтилди.

Тадбирда мамлакатимизда жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилганлиги, бу жараёнда юрдошларимиздан ҳушёрлик ва масъулият талаб этилиши алоҳида таъкидланиб, давра суҳбатида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Ихтиёр ЖУМАЕВ,
НКМК Ёнғин хавфсизлигини
таъминлашни ташкил этиш маркази
ғуруҳ бошлиғи, подполковник.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
марказ ғуруҳ бошлиғи, катта сержант.

Бугунги кунда ФВВ тизимида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ички тартиб-қоидаларга риоя этиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

МУҲИМ МАВЗУДА



Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ҳам бу борада талайгина тадбирлар амалга оширилиб, вилоят ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими томонидан учрашувлар ташкиллаштириб борилаётган.

Ана шундай учрашувлардан бири Ёзёвон тумани ФВ бўлимида бўлиб ўтди. Унда бошқарма масъул ходими ҳамда Ёзёвон тумани прокурори ўринбосари А.Рустамовлар иштирок этди.

Учрашувда бугунги кунда вилоятда ва қўшни вилоятларда содир бўлаётган пора олиш, воситачилик қилиш, ички тартибнинг бузилиши, интизом низомларига амал қилмаслик ҳолатлари мисоллар ёрдамида келтириб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда коррупция, ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ички тартиб-интизомни тартибга солишга қаратилган масалалар кўриб чиқилди.

Ў.КАЛОНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ шахсий
хавфсизлик бўлими ходими, подполковник.
С.УМАРОВ,
Ёзёвон тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ



Фарғона вилояти ФВБ ва Қува тумани прокуратураси ҳамкорлигида туман ФВ бўлимида “Коррупциядан холи Янги Ўзбекистон учун бирлашайлик!” шиори остида тарғибот тадбири ташкил этилди.

нинг Тараққиёт стратегияси” мазмун-моҳияти ҳусусида ҳам атрофлича тушунтиришлар берилди. Вилоятда содир бўлаётган ички тартиб бузилиши, интизомга амал қилмаслик ҳолатлари мисолларда келтирилиб, йиғилиш иштирокчилари яна бир бор ҳушёрликка чорланди.

А.МУМИНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ шахсий
хавфсизлик бўлими
бошлиғи, подполковник.

Унда вилоят ФВБ масъул ходимлари иштирок этиб, бугунги кунда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тушунчалар берилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчи ва ходимларга башарти хизматда ёки

ҳаётда бу каби ҳолатларга дуч келган тақдирда, бунга зудлик билан муносабат билдириб, тегишли идора ва ваколатли органларга мурожаат қилиш лозимлиги тушунтирилди.

Тадбир давомида Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон-

ҲАМЖИҲАТЛИККА ЧОРЛАБ

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 22-умумтаълим мактабида кўрғазмали “Фуқаро муҳофазаси” куни ўтказилди.



Унда ўқувчиларнинг йил давомида олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш, мактаб жамоаси қўлга киритган ютуқлари, бир сўз билан айтганда, жамоанинг барча имкониятлари сарҳисоб қилинди.

Тадбирда ўқувчилар миллий ҳунармандилик, расм чишиш, тикувчилик, ўз инновацион ғояларини намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, тадбирда очик дарслар, викторина ўйинлари, турли мусобақалар, қувноқ стартлар ҳамда “Ёш қутқарувчи”лар мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

Баҳслар якунида ғолиб ва фаол иштирок этган жамоаларга вилоят ФВБ ва туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Анвар ТУРДИҚУЛОВ, Санжар АДИЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ҲФХҲМ ходимлари.

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги “Қалқонота” МФЙ дашт ҳудудида “Вилоят ҳудудида зарарли чигирткаларга қарши курашиш тадбирларини самарали ташкил этиш” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Унга вилоят ФВБ, ИИБ, Соғлиқни сақлаш, Санитария ва эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, Усимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари ҳамда чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати мутахассислари жалб этилди.

Ўқув машқининг 1-босқичида зарарли чигирткаларга қарши курашиш тадбирларини самарали ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва замонавий усуллари, башоратлаш тизими ҳамда чигирткалар оммавий тарқалган ҳудудларда уларни йўқ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштириш, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартиби, уларга қарши курашишда қўлланиладиган кимёвий перепаратлар билан захарланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари ҳамда ҳайвонлар захарланганда профилактик тадбирларни амалга оширишга

оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирнинг 2-босқичида чигирткаларга қарши курашиш штаби фаолиятини ташкиллаштириш, чигирткаларнинг кўпайиш ўчоқларини аниқлаш бўйича кузатув ишларини олиб бориш, зарарланган майдонларни аниқлаш ва уларни чегаралаш, юзага келган хавф кўламини баҳолаш, қарши курашиш усулларини белгилаш бўйича ҳаракатлар амалда кўриб чиқилди.

Шунингдек, мазкур босқич давомида вилоят ФВБнинг РКваТБМТЭ гуруҳи, МФЙ фаоллари ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилиш тиббий ёрдам биргадасининг ҳаракатлари ҳам амалий синовдан ўтказилди.

М.АБДИЕВ,
Навоий вилояти ФВБ бўлим
бошлиғи, катта лейтенант.

ЗАРУР ЧОРАЛАР

Қашқадарё вилоятида чигиртка зараркундаси хавф солиши мумкин бўлган майдонлар ўрганилиб, тегишли ташкилотлар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Сир эмаски, об-ҳавонинг ўзгариши – шамол, гармсел кўтарилиши оқибатида чигирткаларнинг чегара ҳудудларидан ўтиш хавфи ортади. Бу каби ҳолатларга қарши кураш чораларини кўриш учун барча зарур техникалар жалб этилди.



Вилоят бўйича 125 минг гектар майдонга зарарли чигирткалар хавф солиши ҳисобга олиниб, кимёвий ишлов бериш тадбирлари бошлаб юборилди. Шу кунга қадар 68 минг гектар экин майдони ва яйловларда кимёвий ишловлар амалга оширилишига эришилди.

Ғузур туманидаги “Шўртангазкимё” мажмуаси ҳудудларида ҳам ўтказилган махсус-тактик ўқув машқида вилоят ФВБ, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, “Ўзагрокимёҳимоя” давлат акциядорлик

компанияси мутахассислари, деҳқон ва фермерлар иштирок этилди.

Ўқув машқида зараркундасига қарши курашишнинг мақбул усуллари, кимёвий воситалар билан ишлов беришнинг аҳамияти хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Машқ давомида тегишли хизматлар мутахассислари томонидан чигирткалар тарқалишининг олдини олиш бўйича

комплекс чора-тадбирларни ташкиллаштириш, уларнинг кўпайиш ўчоқларини аниқлаш, тарқалиб кетиши ва қишлоқ ҳўжалиги экинларига зарар етказиш хавфини бартараф этиш бўйича бирламчи ташкилий ва амалий тадбирлар ташкил қилинди.

Шаҳбоз БОБОМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ ахборот
хизмати ходими, оддий аскар.

“Навоий кон-металлургия комбинати”нинг кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари ўртасида Ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича мусобақа ўтказилди.

КўНГИЛЛИЛАР БАҲСИ

Мусобақа 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, 400 метлик масофага гуруҳ бўлиб, тўсиқлар оша югуриш эстафетаси каби босқичларда ташкил этилди.

Тадбирда жами 9 та терма жамоа ва улардан 50 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Мурасасиз баҳсларда йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқландилар.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика марказий лабораторияси жамоа аъзолари қўлга киритган бўлсалар, 2-ўринни Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси, 3-ўринини Тармоқлар ва подстанциялар цехи жамоалари забт этидилар.

Шахсий натижага кўра, 100 метрлик масофага тўсиқлар оша югуриш турида ўзининг чаққон ва эпчил ҳаракатларини намойиш этиб, 86, 56 сония вақт кўрсаткичи билан Назорат ўлчов асбоблари ва авто-



матика марказий лабораторияси жамоаси вакили Ш.Турдиев энг кучли, деб топилди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорлар “Навоий кон-металлургия комбинати”нинг махсус дипломлари, эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Алижон НАВРЎЗОВ,
НКМК Давлат корхонасида ЁХТТЭМ
бошлиғи ўринбосари, подполковник.

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВ

“Навоий-кон металлургия комбинати” АЖ Шимолий кон-бошқармасига қарашли объектларнинг кўнгилли ёнғин ўчириш дружиначилари ўртасида ёнғин ўчириш амалий спорти мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақа икки босқичда, 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ва 100х400 метр ёнғин ўчирувчилар эстафетаси бўйича бўлиб ўтди.

Шимолий кон-бошқармаси ОЁХТТЭБ 6-ЁҚҚнинг спорт майдонида ўтказилган ушбу мусобақада Шимолий кон-бошқармасининг 5 та терма жамоасидан жами 30 нафар спортчи иштирок этди.

Беллашувлар мурасасиз баҳсларга бой бўлиб, ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаларига кўра, йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқландилар.

Умумжамоа ҳисобида эса 1-ўринни 3-ГМЗ жамоаси қўлга киритган бўлса, 2-ўринни “Шарқий” кон жамоаси, 3-ўринни “Дауғизтов” кони жамоаси эгаллади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндор жамоа-



лари “Шимолий” кон-бошқармасининг махсус дипломлари, эсдалик совғалари ҳамда мукофотлари билан тақдирландилар.

Аваз ОРТИҚОВ,
ШКБ ОЁХТТЭ бўлим бошлиғи,
подполковник.

ҚУТҚАРУВЧИ ВА ЁШЛАР

Жиззах вилояти Зафаробод тумани фавқулудда вазиятлар ҳамда халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида тумандаги 18-умумтаълим мактабида “Қутқарувчи ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.



ёнғин-қутқарув техникалари ва анжомлари билан яқиндан танишиб, ушбу соҳага оид қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

Йиғилганларга содир бўлган ёнғинларни бартараф этиш жараёни намойиш этилиб, ёнғин вақтида ўқувчиларни эвакуация қилиш, мактаб жиҳозларини хавфсиз жойга олиб чиқиш тартиб-қоидалари тушунтирилди.

Учрашув давомида ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилиб, фаол ўқувчилар “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубига қабул қилинди.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.

Унда юртимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, миллий армиямизнинг жанговар салоҳияти, вакилларимизнинг ҳарбий мусобақалардаги муваффақиятли иштироки ҳақида сўз юритилди.

Тадбир давомида ўқувчилар замонавий

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ФВВ Академиясида “Фавқулдда вазиятларни бартараф қилиш ҳамда тизими янада такомиллаштириш” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ҚЯО жамияти, ФВВ Бош бошқармаси, гидрометеорологик жараёнларга таъсир кўрсатишни бошқариш хизмати, “Хавфсиз дарё” ДУК масъул ходимлари, ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар, ФВВ матбуот хизмати ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни академия бошлиғи, генерал-полковник Қобул Бердиев очиб, илм-фан ва таълим тизимида инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларнинг инновацион технологияларни яратиш

борасидаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чоралар кўрилаётганлигини қайд этди. Шунингдек, ўз сўзида мамлакатимизда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масаласи долзарб эканлиги, бу борада соҳа ходимлари томонидан мавжуд муаммоларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бир қатор илмий изланишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий



ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича соҳа ходимлари томонидан самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, ёнғинларга қарши

курашиш комплекс тизими шакллантирилаётганлиги ва соҳа йўналиши бўйича бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётганлиги айтиб ўтилди.

Анжуман қизғин мулоҳаза ва таҳлилларга бой бўлиб, тадбир якунида мутахассислар томонидан иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси
катта ўқитувчиси, майор.
Сардор ТОҶИРОВ, 5-босқич курсанти.

МУЛОҚОТ

Фарғона туманида вилоят ФВВ раҳбарияти иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабул давомида жисмоний ва юридик шахслар томонидан ФВВ тизимида оид жами 4 та мурожаат келиб тушди.

Мазкур мурожаатларнинг 3 тасига тушунтириш берилиб, 1 таси назоратга олинди.

И.ҲАМДАМОВ,
Фарғона тумани ФВ бўлими
бошлиғи,
подполковник.



FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi institutida Ochiq eshiklar kuni doirasida Mirzo Ulug'bek tumanidagi 210-, 203-hamda Chilonzor tumanidagi 103-umumta'lim maktablari o'quvchilari ishtirokida institutning o'quv-moddiy bazasi va favqulodda vaziyatlarda to'g'ri harakat qilish bo'yicha amaliy mashg'ulotlar o'tkazildi.

MARKAZDA “OCHIQ ESHIKLAR KUNI”

Shuningdek, institut o'qituvchilari tomonidan “Turli xususiyatli favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda sodir bo'lganda to'g'ri harakat qilish” mavzusida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari keng qo'llanilgan innovatsion interaktiv 3d xonalarida amaliy mashg'ulotlar olib borildi.

O. MIRKAMOLOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi FMI markaz boshlig'i.
A. ERNAZAROV,
FMI o'qituvchisi.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, олий таълим жараёнларини бошқариш, ахборот тизимини ишга тушириш ва ўқув, илмий, молиявий жараёнларни босқичма-босқич рақамлаштириш, шунингдек, “Дубликат” ахборот тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифалар ҳам белгиланган.

Шундай экан, ФВВ тизимидаги таълим муассасаларида рақамлаштириш орқали ортиқча қоғозбозликни камайтириш фаолият самарадорлигини оширишда асосий омиллардан саналади.

Бу борадаги ишлар, жумладан, педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш бўйича амалий тадбирлар ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида бошлаб юборилди.

Протфолио (ингл. – портфел, зарур ишлар ва ҳужжатлар учун папка) – ҳужжатлар, иш намуналари, фотосуратлар, тақдим этилаётган имкониятларни тасаввур эта олиш имкониятини берувчи материаллар, мутахассис хизматлари тўпламини ўзида акс эттиради.

Педагогнинг портфолиоси қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

– педагогнинг маълум бир вақт оралиғида эришган касбий ютуқлари ва фаолият натижаларини қайд этади;

– фаолият давомида касбий соҳада эришилган ютуқларни намойиш этади;

– педагогнинг дарс бераётган фани бўйича ўқув

материалларини тингловчиларга етказиб берувчи восита ҳисобланади;

– илмий-услубий фаолиятни мониторинг қилиш тизими сифатида хизмат қилади.

Портфолио ўқитувчига ўз ишлари натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, имкониятларини объектив баҳолаш ва қийинчиликларни бартараф этишни режалаштириш ҳамда юқори натижаларга эришиш имкониятини беради.

Фаолиятини ташхис қилишга мўлжалланган электрон портфолиога нафақат Институт педагог-ҳодимлари, балки ҳудудий Фавқулдда вазиятлар бошқармалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларининг педагог ходимларини ҳам жалб этиш мўлжалланган.

Хулоса қилиб айтганда, айна йўналишда амалга оширилаётган ташаббусларнинг самарадорлигига тизимдаги ҳар бир раҳбар ва ходимнинг катта масъулияти ва изчил фаолияти орқали эришилади.

Навбахор НАЗАРОВА,
ФВВ Академияси ҳузуридаги
ФМИ етакчи илмий ходими, доцент.

Фарғона вилояти Қува туманидаги “Каркидон” сув омборида ўқув курслари якуни бўйича ғаввос-қутқарувчилардан кичик ҳажмли кемаларни бошқариш бўйича амалий синов имтиҳонлари олинди.

“КАРКИДОН” СУВ ОМБОРИДА



Мазкур синов имтиҳонларида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари Фавқулдда вазиятлар бошқармаларининг 12 нафар ғаввос-қутқарувчиси иштирок этиб, улар кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари, сувда чуқаетган фуқароларни кема ёрдамида қутқариш усуллари, сувда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби бўйича ўз билимларини яна бир бор мустақамлаб олдилар.

Ўқув курсини тамомлаган ҳамда амалий синовларни муваффақиятли топширган ғаввос-қутқарувчиларга сертификатлар топширилди.

Шу куни Фарғона вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармаси кичик ҳажмли кемалар инспекцияси ходимлари томонидан “Каркидон” сув омбори ҳудудида мавжуд бўлган кичик ҳажмли кемалар хатловдан ўтказилиб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, техник ҳолати ўрганиб чиқилди.

А. МАМАЖОНОВ, Фарғона вилояти ФВВ бўлим бошлиғи, капитан.
И. ХОЛМАТОВ, МВБМҚО командири, капитан.

Сунги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали ёш болаларнинг сувда чуқиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳақида маълумотлар берилмоқда.

БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ



ҚОЛДИРМАНГ!

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб сақланиб қолаётган иссиқ ҳаво барчани соя-салқин жойларга, айниқса, чўмилиш ҳавзаларига етаклаши табиий.

Кимдир ўзи ва яқинларининг саломатлиги ҳамда хавфсизлигини ўйлаб, рухсат этилган чўмилиш ҳавзаларига борса, кимдир ўз фарзанди ҳаётига бепарқларча уларни назоратсиз қолдириб, турли канал, ариқ ва дарёларда чўмилишига лоқайдлик билан қарамоқда.

Яккабоғ тумани ФВ бўлими ҳарбий хизматчилари томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар жараёнида “Янгикўрғон” сув омбори

ҳудудида вояга етмаган 3 нафар ёш боланинг қаровсиз ўйнаб юрганлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, улар бир оиланинг фарзандлари, яъни ака-укалар бўлиб, ходимлар томонидан болалар ота-онасига топширди ҳамда улар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

У.ЖУМАНОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
ахборот хизмати етакчи
мутахассиси.
М.АБДУЖАББОРОВ,
Яккабоғ тумани ФВ бўлими
ходими, лейтенант.

ТРАНСПОРТДАГИ ЎТ ЎЧИРГИЧЛАР

Қувват оғирлиги 2-5 кг. бўлган карбонат ангидридли ва кукунли ўт ўчиргичлари мавжуд бўлиб, илгари фавқулодда вазиятларга дуч келган ҳайдовчилар ўзлари билан иккита ўт ўчиргични олиб юришарди ва уни ишлатишга тайёр туришарди.

Ўт ўчиргичлар биринчи тиббий ёрдам тўплами билан бирга, ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган жойларда бириктирилган ҳолатда жойлаштирилган бўлиши керак.

Агар бундай жойлар назарда тутилмаган бўлса, енгил машинада ўт ўчиргич йўловчи салонига ёки автомобиль багажиди, микроавтобусда ҳайдовчи учун қулай жойда сақланиши керак. Автобусда иккита қурилма бўлиши керак — ҳайдовчи кабинасида битта ва йўловчилар салонига битта.

Йирик ва ўрта автобусларда ойналарни синдириш учун болғача ҳам бўлиши лозим. Бу ўз навбатида, қутилмаганда ёнғин содир бўлганда, уни бартараф қилишда бирламчи ёрдамчи восита вазифасини ўтайди, албатта.

Ш.ҚУРБОНОВ,
Қибрай тумани ФВ бўлими
инспектори.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси – “Фавқулодда вазиятлар профилактикаси куни” муносабати билан Зангиота тумани ҳудудида янги барпо этилаётган масканлар, янги қурилиш объектларида, қурувчиларнинг вақтинчалик яшаш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тушунтириш ва тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

ДАВР ТАЛАБИ

Қайд этиш керакки, ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган қарорларга асосан намунали лойиҳалар асосида қурилаётган аҳоли турар жойлари, кўп қаватли уйлар, маъмурий, жамоат ва ишлаб чиқариш масканлари ҳисобланади. Мана шундай масканларда шаҳарсозлик соҳасидаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган ва тасдиқланган бош режага киритилган ёнғин ўчириш қисмларининг ўз вақтида барпо этилмаслиги аҳоли яшаш уйлари, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган масканларда ёнғин содир бўлса, ўз вақтида бартараф этишда қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида аҳолининг мол-мулкига катта миқдорда зарар етиши ва энг ачинарлиси инсонларни ҳаёти хавф остида қолиши, турли даражадаги тан жароҳати олиш ёки ҳалок бўлиш каби ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ҳозирда соҳа ходимлари томонидан ҳам назарий, ҳам амалий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Қурилиш жараёнида мутахассисларга ўз ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бу масалага юқори масъулият билан ёндашиш лозимлиги тушунтирилмоқда.

Қобил АШИРОВ,
Зангиота тумани ФВ бўлими бошлиғи
уринбосари, майор.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз миқёсида барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивлари ташкил қилиниб, янги уй-жойлар ва йирик тадбиркорлик иншоотлари бунёд этилмоқда. Албатта, бу юртимиз ривожига жудда катта ҳисса қўшмоқда, шунингдек, ушбу объектларни асраш ва келажак авлодга мустақам ҳолда етказишга барчамиз масъулмиз. Ўз ўрнида янги қурилаётган объектларда ёнғинга қарши талабларга риоя қилиш эса муҳим вазифалардан биридир.

Қурилиш ашёлари, қурилмалари, хоналар, бинолар, бино унсурлари ва қисмларини ёнғин-техник таснифи, ёнғиннинг хавфи омилларини пайдо бўлишига имкон берувчи ва ёнғин хавфини орттирувчи хусусиятлар ва шу билан бирга, ёнғин содир бўлишига ва уни хавфли омилларини тарқалишига қаршилик кўрсатувчи хусусиятларга бўлиниши билан асосланади.

Ёнғин-техникавий таснифи, қурилмаларга, хоналар, бинолар, бино унсурлари ва қисмларини, уларнинг ёнғин бардошлилиги ва (ёки) ёнғинга хавфлилигига боғлиқ равишда ёнғинга қарши ҳимоя буйича зарур талабларни ўрнатиш учун белгиланади.

Қурилиш ашёлари фақат ёнғин хавфлилиги билан тавсифланади. Қурилиш ашёларининг ёнғинга хавфлилиги ёнғинчанлик, юза бўйича аланга тарқалиши, туташ қобилияти ва заҳарлилиги каби ёнғин-техникавий таснифлар билан аниқланади.

Р.ДАВЛАТОВ,
Чуст тумани ФВ бўлими бўлинма
бошлиғи, оддий аскар.

Ёнғин ўчириш воситалари ва уларни ишлатишни билиш биз учун фойдадан холи бўлмайди. Ушбу воситаларнинг бирламчи ёнғин ўчириш, угле-кислотали ва кукунли ёнғин ўчиргич каби турлари мавжуд.

ХАВФДАН ОГОҲ БЎЛ

Хонадонингизда ёки сиз турган бирор-бир жойда ёнғин юзага келганда дарҳол “101” ёки “1050” қисқа рақамлари орқали ёнғин ўчириш хизматига хабар беринг.

Ёнғин ўчирувчилар келгунга қадар мавжуд воситалар, масалан, ёнғин ўчиргич, кум, сув, қалин ёпқичлар ёрдамида ёнғинни ўчиришга уришиб кўринг.

Авалло, ёнаётган хонага ҳаво киришини чеклашга ҳаракат қилинг. Куюқ тутун бўлганда, зудлик билан хонани тарк этинг ва эшикларни маҳкам ёпинг.

Хонадан чиқаётганда, кўзларингиз ва нафас олиш органларингизни тутундан пахта, докали ниқоб, хўлланган мато ёки сочиқ билан ҳимоя қилинг.

Ёнғин вақтида ҳаракатларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш мумкин эмас. Бу борада мутахассислар маслаҳати, тавсия ҳамда кўмағига амал қилиш лозим.

Ж.АБДУҚАЮМОВ,
Тошкент вилояти ФВБ ЁХТТЭБ
ПванБ уринбосари,
подполковник.

ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Қонунчиликка кўра, жисмоний шахслар божхона чегараси орқали божхона тўловларисиз 65 граммдан кўп бўлмаган қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларини олиб киришлари мумкин.

Шунга қарамасдан айрим “уддабуронлар” томонидан мамлакатимизга хориждан заргарлик буюмларини белгиланган меъёрдан ортиқча олиб келиш ҳолатлари кузатилмоқда.

“Истанбул-Самарқанд” йўналишидаги авиарейс билан Самарқанд халқаро аэропортига учиб келган фуқаро Д.Н. “яшил” йўлак орқали божхона назоратидан ўтаётганида, багаж сумкаси божхоначилар эътиборини тартади.

Холислар иштирокида фуқаронинг багаж сумкаси кўздан кечирилганда, йўловчи божхона декларациясига ёзмасдан 81 миллион сўмлик 163,0 грамм заргарлик буюмларини олиб келаятганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Самарқанд вилояти
Божхона бошқармаси
ахборот хизмати.

ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам иқтисодий, ижтимоий, қурилиш, таълим ва кўплаб соҳаларда босқичма-босқич илдамлаб бораётганлиги барчамизга маълум. Жумладан, аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар, ёнғинлар, зилзила ва сув тошқинлари, қор кўчкилари каби ҳодисалардан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенгайиб, янада долзарб масалага айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли сони ўсиб бориши билан бир қаторда кўп қаватли турар жой бинолари, ижтимоий объектлар, савдо

марказлари, завод ва фабрикалар, кўнгилочар боғлар каби дам олиш масканларининг ҳам кўлами кенгайиб боради. Бунинг натижасида қатор иситиш тизимлари, электр ва газ таъминотига бўлган талабнинг ортиши, муҳофаза қилиниши керак бўлган аҳоли ва ҳудудлар майдонларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолатлар соҳа ходимларининг масъулиятини янада орттиради.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган режа асосида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг барча туманларида ишчи гуруҳлар ташкил этилган ҳолда мавжуд МФЙлар, кўчалар, кўп қаватли турар жой бинолари, новвойхоналар, мактаб ва мактабгача таълим, олий таълим даргоҳлари, барча турдаги ижтимоий объектлар, савдо марказлари ва бозорларда электр ускуналари ва табиий газдан фой-

даланиш тартиб-қоидалари бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Бошқарма ходимлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйлаб аҳоли турар жой биноларида дудбуронларнинг тозаллиги, газ плиталарининг созлиги назорат қилиниб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда.

А.РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
матбуот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.

КУМУШ ТОЛА ХАВФСИЗЛИГИ

Жорий йилда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани пиллакорлари яхши ният билан мўл ҳосилни кўзлаб, пилла етиштириш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Ипак қурти боқишнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва масъулияти бор, албатта.

Шундай масъулиятли ишлардан яна бири — ипак қурти боқиладиган жойларда содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишдир. Бу борада пиллакорларимиз асосий эътиборни қуйидагиларга қаратишлари лозим:

ипак қурти боқиладиган хоналарнинг мўътадил ҳарорати 25 даража иссиқликдан ошмаслиги;

хоналарга тортилган электр симлари мутахассислар кўригидан ўтган, ёритиш чирокларига махсус ҳимоя қопқоқлари ўрнатилган бўлиши;

тез аланга олувчи суюқликлар сақланадиган идишлар, хазон, хашак, қоғоз, шохшаббалар ва бошқа турдаги тез ёнувчи нарсалар ипак қурти боқиладиган жойлардан 25-30 метр узоқликда жойлаштирилиши;

ипак қурти пилласини қуритиш ва дастлабки ишлов бериш жойларида етарли даражада ёнғин ўчириш воситалари ва сув захиралари бўлиши;

пилла қуритиш жойлари, бостирмаларнинг тез ёнувчи материалларидан тайёрланган қисмларига ёнғинни қийинлаштирувчи кимёвий суюқлик билан ишлов бериш катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги ҳолатларга тўлиқ риоя этсак, юртимиз бойлиги ҳисобланган “кумуш тола” — пилла ҳосилини кўнгилсиз ҳодисаларсиз йиғиб оламиз.

Жаҳонгир АБДУҚАЮМОВ,
Бўстонлик тумани
ФВ бўлими ходими, подполковник.

ЎРИМГА ҲОЗИРЛИК

“Ғалла-2022” мавсумига тайёргарлик кўриш ва ғалла майдонларида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги МТПларга қарашли донни йиғиб олиш техникаларининг шайлиги ўрганиб чиқилмоқда.



Жумладан, Учкўприк, Данғара, Кува, Риштон, Ўзбекистон, Фарғона, Тошлоқ ва Бешариқ туманлари ФВ бўлимлари томонидан ушбу туманлардаги мавжуд комбайн ва дон ташувчи автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, уларнинг бирламчи ёнғин ўчи-

риш воситалари билан таъминланганлиги бўйича ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давомида ўрим комбайнлари операторлари ва уларнинг ёрдамчиларига фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри фойдаланиш бўйича йуриқномалар берилди.

Ж.МАДАМИНОВ,
Фарғона вилояти ФВБ
бошлиғи Уринбосари,
подполковник.
З.ҚОДИРОВ,
бошқарма ЁНПТЭБ бошлиғи,
подполковник.

ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Ғалла ўрим-йиғими мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Шу муносабат билан соҳа ходимлари томонидан мавсум даврида бир қатор ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

Темир йўллар, шоссе ва дала темир йўлларига яқин жойлардаги ғаллазорлар четларида саккиз метр кенликда ғалла ўриб олиниб, шудгорланиши лозим.

Бевосита ғалла майдонларининг ўзида ҳаракатланаётган техникалар, транспорт воситалари (комбайн, трактор, автомобиль ва бошқалар) учкун сўндиргичлар билан таъминлангандан сўнг далага киришга рухсат берилиши ва уларнинг соз ишлаши назорат қилиб борилиши керак.

Юқори кучланишли электр линиялари тагига экилган ғаллани биринчи навбатда ўриб олиш ва майдонни тезда шудгорлаш талаб этилади.

Ғаллазорлар атрофида сигарет чекиш, гулхан ёқиш, ғалласи ўрилган майдонларни, бошоғи олинган сомонларни ва ғалла пояларини ёқиш қатъиян тақиқланади.

Ўрим-йиғимга жалб этилган комбайн ва бошқа техника воситаларининг вақтинчалик тўхтаб туриш, жорий таъмирлаш ва кўриқдан ўтказиш жойлари қуруқ ўт ва ғалла пояларидан тозаланган, ғалла майдонидан камида 30 метр узоқликда жойлашган ҳамда атрофи шудгорланган бўлиши зарур.

Ўрим-йиғимга жалб этилган комбайн ва бошқа техникаларга ёнилғи қуйиш ишлари ғаллазорлардан ташқарида, двигателни ўчирган ҳолда амалга оширилиши шарт. Ёнилғи қуйиш вақтида тамаки чекиш ҳамда тунги вақтда ёнилғи қуйиш қатъиян ман этилади.

Комбайн ҳаракатланувчи қисмларининг қизиқ кетиши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ва ҳаракатланувчи қисмларини совитиш мақсадида ҳар 10 соатлик узлуксиз ишлатишдан сўнг комбайннинг ишини камида 1 соат тўхтатиш тавсия этилади.

Ушбу қоидаларга амал қилар эканмиз, машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни ёнғин балосидан асраган бўламиз.

Аваз ОРТИҚОВ, НКМК Шимолий кон бошқармаси объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи, подполковник.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ, марказ гуруҳ бошлиғи, катта сержант.

Қурилиш асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан бири бўлиб, у нафақат миллий иқтисодиётда балки, ижтимоий соҳада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан англаш мумкинки, қурилиш тармоғи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта рол ўйнайди.

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ

Қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи рол ўйнаши, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлаши, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашувига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади.

Олиб борилаётган қурилиш ишларида биринчи навбатда масканининг ёнғинга қарши ҳимояси ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши ҳимоя тизимлари билан, шу қаторда ташкилий-техник чора-тадбирлар билан таъминланиши керак. Жумладан, қурилиши мўлжалланган бино қўшни ҳудудларда мавжуд бўлган турар ва нотурар жой бинолари билан оралиқ масофаларни сақланиши, бино атрофида ҳамда ушбу манзилдаги турар жой биноларига ўтиш учун махсус ва ёнғин ўчириш автомобиллари ҳаракатлани-

шига энига камида 6 метрдан кам бўлмаган йўл қолдирилиши, ҳудудда ёнғин ўчириш мақсадлари учун ташқи сув тармоғидан ерости ёнғинга қарши гидрантлар ўрнатилиши, ёнғингарчилик сувларини бехатар кетиши бўйича объект ҳудудининг ирригация-дренаж тизими лойҳасини ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, бинода ички ёнғин ўчириш сув тармоғи ва кранларини ўрнатиш ҳамда керакли воситалар билан тўлиқ жихозланиши, ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламаларни ўрнатиши, улар ишга тушганда ишловчи тутун тортиш тизимини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Юқорида кўрсатилган ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилсак одамлар ва моддий бойликларини хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Отабек ОТАМУРОДОВ,
Яшнобод тумани ФВ бўлими
П ва НБ инспектори, капитан.

Ёқилғи ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Истеъмолчиларни табиий газдан оқилона фойдаланиши мамлакатимиз равнақи учун муҳимдир. Бироқ куз-қиш мавсумида аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи янада ортади. Ўз навбатида, газ таъминоти корхонаси ходимларининг куну тун меҳнат қилишларини талаб қилади.

ГАЗ ТАРМОҚЛАРИ БЎЁҚЛАНДИ



Ўзага келган муаммолар вақтида соҳа ходимлари томонидан бартараф қилинишига эришилади. Газ тақсимлаш қурилмалари доимий назорат остида бўлади. Техника асри, дея эътироф этилган XXI асрда кашф этилаётган замонавий технологиялар инсонлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда. “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бугунги кунда филиал тасарруфида узунлиги 8194, 883 км. газ қувурлари мавжуд бўлиб, шундан 2183, 493 ерости, 6011 км. ер усти газ қувурлари ҳисобланади. Юқори босимдаги газ қувурлари 220, 140 километрдан иборат. 1321,207 км. қисми эса ўрта босимли ҳамда 6653,536 км. қисми паст босимли газ қувурларидир. Ушбу газ тармоқлари орқали Тошкент шаҳридаги 650

мингдан ортиқ аҳолининг табиий газ билан бир маромда таъминланишига эришилади. Бу газ тармоқларининг сифати доим назорат остида бўлиши керак. Акс ҳолда фавқулодда вазиятлар содир бўлишига замин яратилади. Ҳозирда 2022-2023 йиллар куз-қиш мавсуми учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Айтилганга 13 километр газ тармоқлари бўёқланиб, 2 донга газ тақсимлаш мосламаси мукаммал таъмирланди ҳамда 194 донга тафтиш қилинди.

Ҳар бир қилинаётган амалий иш замирида инсон манфаати ётар экан, куз-қиш мавсуми учун амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад ҳам айнан фуқаролар фаровонлигини таъминлашдир.

“Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали матбуот хизмати.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ



ТАРИХИ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

Куни кеча мамлакатимиз бўйлаб барча умумтаълим мактабларида битирувчилар учун сўнги қўнғироқ садолари янгради.

Қулоққа жуда яхши таниш бўлган бу оҳанг кимнингдир юзига маъюслик торган бўлса, яна кимгадир қувонч бахш этди.

Мактаб даврида ҳар танафусда қулоқларни қоматга келтирувчи бу қўнғироқ ким томонидан кашф қилингани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Нега бошқа чолғу-асобларида эмас, айнан қўнғироқ садоси остида мактаб билан хайрлашамиз? Ахир овози ёқимли кўпгина чолғу-асоблари ҳам бор-ку, деган савол ҳеч бўлмаганда бир бор ҳаёлимиздан кечган бўлса, ажаб эмас.

Бугун ушбу саҳифамиз орқали айни шу ҳақдаги маълумотларимиз билан ўртоқлашамиз.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ТАРИХИ

Мактабда қўнғироқнинг чалиниши қадимги юнон файласуфи

Афлотун (Платон) номи билан боғлиқ. Тарихий манбаларда ёзилишича, файласуф болаларни бир пайтлар сув соати ёрдамида дарсларга таклиф қилишга қарор қилган. У найча билан боғланган иккита идишни олиб, устма-уст сув куйган. Сув пастга, ҳаво эса тепа қисмига, яъни найга ошиқиб, ёқимли овоз чиқарган.

XVII асрда чехиялик педагог-реформатор Ян Амос Коменский синф тизимини амалга киритиб, дарсларнинг қўнғироқ билан тугаланишини ўйлаб топган. Машғулотлар сўнгида синфда кўчма ёки стационар қўнғироқдан фойдаланишар эди.

XIX асрда инглиз муҳандиси Уилям Стержен дунёдаги биринчи электромагнитни кашф қилди. Сўнгра Иоган Вагнер ва Кристиан Нифф меҳнатлари билан дунёдаги биринчи тебранувчи болга яратилди.



XIX асрнинг 50-йилларида Жон Миранд бизга яхши таниш бўлган деталь — қўнғироқни киритиб, ушбу қурилмани ривожлантирди. Натижада ҳаётимизга электр токида ишловчи қўнғироқ кириб келди.

Сўнги қўнғироқ қачондан бери нишонланмоқда?

Мактабнинг тугашини нишонлаш яқин тарихда пайдо бўлган. Биринчи бор сўнги қўнғироқ тантаналари 1948 йилнинг 25 май куни Москвадаги 182-сонли (№1388)

мактабда ўтказилган.

Мактаб тугашини, унутилмас остида нишонлашни илк марта ба педагог Фёдор Брюховецкий таклиф қилган. Кейинчалик унинг таклифи билан мактабдаги биринчи ўқиш куни "Билимлар куни" ва сўнги куни ҳам қўнғироқ садоси билан нишонланадиган бўлди.

Масрур САНАЕВ
интернет материаллари асосида тайёрлади.

Сўнги қўнғироқ! Ҳар бир ўқувчининг кўзларига қараб милтиллаган томчиларнинг гувоҳи бўлдим. Уларни кузатиб турибману, ўзимнинг мактаб даврим, сўнги қўнғироқ кўз олдимда гавдаланди. Бугунги куннинг шуқуҳини ҳар бир ўқувчи мактабни тугаллаш онларида ҳис этади. Ҳеч қачон оғримаган, мени безовта қилмаган юрагим шу дамларда алланечук ҳаяжон билан урди.

ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР



Бу юрак оғринишида нималарнинг, қандай ширин онларнинг хотираси борлигини кўз олдингизга келтиришингиз қийин бўлмаса керак... Биринчи синф, биринчи муаллим, биринчи ёзувлар, биринчи китоб жавони, биринчи дугоналар, биринчи дўстлар, биринчи муҳаббат... Бу хилдаги хотиралар энди минг марта истаганимиз билан ортага қайтмайди.

Мактаб даврини ҳар бир инсон оғиргина хўрсиниш билан эсга олади. Мактаб даврини эслаб, ташриф буюрганингиз билан ўша вақтлардаги

синфдошларни тополмайсиз. Энди у бирозгина бегонадай.

Ҳозир нимагадир, вақтни тўхтатиб кўйгим келмоқда. Сўнги қўнғироқ ҳаётимнинг энг нафис фасли, болалигимнинг беғубор онларининг муҳри, десам адашмайман. Чунки ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон сўнги қўнғироқни ҳеч қачон ёддан чиқармайди. Шу кунги воқеалар унинг хотирасида бир умрга ўчмас из қолдиради...

Хилолабону АЛОВХОНОВА.

ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Маълумки, таълим муассасалари ўқувчиларни шахс сифатида шакллантирса, ундаги ижобий ислохотлар, янгиликлар ва ёндашувлар ўқувчилар шахсида ижодкорлик, ҳозиржавоблик ва ташаббускорликни илгари суради.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари учун "Атрофимиздаги олам" дарси ўзгартирилиб, "Табиий фан" дарслиги сифатида жорий этилганлиги, энг асосийси, ушбу дарслик кўпроқ амалий эканлиги сабабли болажонларимиз борлиқни мураккаб тушунчаларсиз, ҳаётий мисоллар ҳамда машғулотлар мисолида осонроқ англаб боришмоқда.

Айниқса, табиат қўйнига экскурсиялар ташкил этиш, табиат ҳодисаларини кузатиш, ҳаттоки кичкинтойлар ўз қўллари билан экиш, парваришлаш каби ишларни ўзлари бажараётганликлари уларнинг қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Албатта, ушбу жараёнда таълим-тарбия ишига масъул бўлган ҳар бир мутахассисдан ўз устида мунтазам ишлаш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда юқори талабчанлик ва фидойилик жоиздир.

Ирода НАРЗИҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар
42-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
М.САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан руйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Катта дархон, 20-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7000 нусха